Мил. Вилоят ҳокимлиги УзССР I-70596

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 26 апрель куни АҚШ Давлат котибининг ёрдамчиси Робин Линн Рафэл хонимни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг тобора мустаҳкамланиб бораётгани ва савдо-иқтисодий алоқаларнинг жадал ривож топаётганини қайд этди. Бу икки мамлакат ҳамкорлиги янги босқичга кўтарилаётганидан дарак беради, деди Президент Ислом Каримов. Шунингдек, НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида АҚШ билан ҳамкорлик Ўзбекистон учун алоҳида аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш ва минтақавий хавфсизлик билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Содиқ Сафоев, ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов қатнашди.

Қабулда Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Стенли Туэмлер Эскудеро ҳозир бўлди.

(ЎзА).



СУРАТДА: қабул пайти.

Р. НУРИДДИНОВ (ЎзА) олган сурат.

АМИР ТЕМУР ДАВРИДАГИ БУНЁДКОРЛИК ВА ҲАМКОРЛИК РУҲИ БИЗГА НАМУНА БЎЛАВЕРСИН

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЮНЕСКО ҚАРОРГОҲИДАГИ КЎРГАЗМАНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Муҳтарам Федерико Майор жаноблари!

Хонимлар ва жаноблар!

Аввало, ўзбек халқининг буюк фарзанди Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган **«Темурийлар даврида илм-фан, маданият ва маорифнинг гуллаб-яшнаши»** ҳафталигини ўтказишга эътибори ва мадади учун ЮНЕСКО раҳбариятига самимий миннатдорлик билдиришга рухсат этгайсизлар.

XIV асрдаги бу буюк шахс шарафига тантаналар Парижда — Европанинг қоқ марказида, тарихнинг ўзи яққол кўриниб турган, маърифат, илм-фан, санъат, абадий гўзаллик шаҳрида бошланаётгани чуқур рамзий маънога эга.

Бугун очилаётган ва Амир Темур ҳамда темурийлар даврининг улуғвор маданий ютуқларига асосланган кўргазма ўтмиш даврлардаги бебаҳо ёдгорликлар, Ўзбекистон тасвирий санъати ва халқ ижодиёти намуналари билан танишиш учун ажойиб имкониятдир.

Тарихда **«Турон», «Туркистон» ва «Мовароуннаҳр»** номи билан машҳур бўлган Марказий Осиё, айниқса Ўзбекистон ҳудудида минглаб йиллар давомида юксак маданият гуллаб-яшнади, қудратли давлатлар мавжуд бўлди. Улар инсоният тарихида сезиларли из қолдирди.

Ўзбекистон маданиятининг хилма-хиллигини қадимги даврлардан буён турли карвон йўллари, дунёнинг турли томонларидан келадиган савдо-сотиқ, инсоний алоқалар йўллари ва албатта — халқаро алоқалар: иқтисодий алмашув, ҳунармандчилик, фан ва санъат ҳаракатларининг жонли қон томири бўлган Буюк ипак йўлининг мавжудлиги белгилаб берган.

Қадимги **Сўғд, Хоразм, Бақтрия, Кушон, Парфия, Эфталитлар** подшоликлари жаҳонга буюк мутафаккирлар, олимлар, шоирлар ва меъморларни етиштириб берган диёримизнинг олтин бешигидир.

Ўзбекистон халқи минглаб йиллар давомида барпо этилган улкан маънавий мерос билан фахрланади.

Самарқанд, Тошкент, Бухоро, Хева, Шаҳрисабз, Термизнинг ноёб тарихий ёдгорликлари, Буюк Шарқ мутафаккирлари **ал-Бухорий, ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Боҳовуддин Нақшбанд, ал-Беруний, Абу Али ибн Сино, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Бобур** асарлари бутун башариятнинг бебаҳо мулки бўлиб қолди.

Хонимлар ва жаноблар!

Бир неча ойдан сўнг Ўзбекистон ўз мустақиллигининг 5 йиллигини нишонлайди.

Ўтган йиллар ёш республика учун янги давлатчиликнинг қарор топиши, демократик жараёнларнинг ривожланиши, ижтимоий йўналишдаги бозор иқтисодиётининг шаклланиши йиллари бўлди.

Энг муҳими — бу маънавият манбаларига, миллий илдизларимизга қайтиш, тарихий хотирани, маданият ва маънавиятни қайта тиклаш йиллари бўлди.

Ўзбекистон халқи Франция, Буюк Британия ва Германияда, бошқа Ғарб мамлакатларида Амир Темур шахси билан қизиқиш ҳеч қачон сўнмаганига миннатдорлик билан қарайди.

Бу ерда XV асрдаёқ Амир Темурга ёдгорлик ўрнатилиб, унга **«Европанинг халоскорига»** деган чуқур рамзий маъноли сўзлар ёзиб қўйилган.

Айни Амир Темур босқинчи тўдаларнинг Европа ичкарисига қилаётган ҳаракатига чек қўйганини, бошқа тажовузкорлик юришларини узоқ муддатга тўхтатиб қўйганини ҳозир инкор қилиб бўлмайди.

Маърифатли **Мовароуннаҳр руҳи,** темурийлар даврида фан ва санъатнинг гуллаб-яшнагани Европада уйғониш жараёнига ҳаётбахш таъсир этганини, умумжаҳон тараққиётига кўмаклашганини англаб фахрланамиз.

«Сиёсатда маслаҳат, мулоҳазакорлик, ўйлаб иш қилиш қурол кучидан кўра ўн баравар фойдалироқдир», деган доно сўзлар Амир Темурга мансубдир. Бу сўзлар ҳозирги тилда низоли масалаларни сиёсий мулоқот, огоҳлантирувчи дипломатия йўли билан ҳал қилишни билдиради.

Амир Темурнинг тарихий хизмати яна шундан иборатки, унинг ҳаракатлари туфайли Осиё ва Европа давлатлари тарихда биринчи марта ягона жўғрофий-сиёсий маконда эканликларини ҳис этди.

Бу фақат улкан афзалликдагина эмас, савдогарлар, халқлар ҳеч қандай тўсқинликсиз ҳаракат қиладиган янги йўлларнинг очилишида ҳам намоён бўлди.

Ўзаро ишонч, ҳамкорлик, умумий муросага келиш мумкинлигига аминлик ўша мураккаб ва жўшқин давр қувончлари ва азобларида вужудга келган асосий қадриятлардир.

Буюк стратег, моҳир сиёсатчи, эскирган ижтимоий муносабатларнинг қатъий ислоҳотчиси, савдо-сотиқ, ҳунармандчилик ва маданиятнинг ҳомийси бўлган **Амир Темур «Қонунлар ва урф-одатларга асосланган» давлатни барпо этди.**

(Давоми 2-бетда).

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси | 1996 йил 27 апрель, шанба № 51 (21.972). | Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДАГИ ҲАҚИҚАТ

СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Франция Республикаси Президенти Жак Ширак билан кўргазмада.

Кўргазма очилишида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ (ЎзА) олган суратлар.

25 апрель куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Францияга ташрифи ниҳоясига етди.

Оммавий ахборот воситалари бу ташрифнинг айрим тафсилотларини ёритишди. Париж ва Лионда ўтказилган тадбирларга дастлабки якун ясалар экан, айтиш мумкинки, мазкур сафар Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва гуманитар алоқаларни ривожлантиришда муҳим босқич бўлди.

Шу кунларда Франция жамоатчилиги ЮНЕСКО ижроия кенгашининг 149-сессияси доирасида бу ташкилот қароргоҳида намойиш этилган «Темурийлар даврида илм-фан, маданият ва маорифнинг равнақи» кўргазмаси ҳамда илмий конференция орқали мамлакатимизнинг улкан тарихий ва маданий меросининг бир қисми билан танишиш имконига эга бўлди.

Умид қиламизки, бу илмий конференция ва кўргазма ҳақида француз олимлари, Париждаги тантаналарда бевосита иштирок этган олимларимиз, мутахассислар ҳамда темурийлар меросининг тадқиқотчилари муфассал ҳикоя қилиб беришади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Париждаги машҳур «Одеон» театрида ва ЮНЕСКОнинг катта залида уюштирилган Ўзбекистон санъат усталарининг иккита концерти нозиктаъб француз томошабинларининггина эмас, ЮНЕСКОга аъзо бўлган мамлакатлар ҳамда Париждаги дипломатик корпус вакилларининг ҳам юксак олқишига сазовор бўлди.

Ислом Каримовнинг Францияда бўлиши дастури, унинг барча хорижий сафарлари дастури сингари, ниҳоятда тиғиз эди. Сиёсий арбоблар, ишбилармонлар олами, йирик молиявий ва банк тузилмалари вакиллари билан кўплаб учрашувлар мўлжалланган эди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Франция Президенти Жак Ширак билан учрашувини қатъий равишда иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг ривожи ҳамда бу муносабатларнинг янада чуқурлашуви йўлидаги ҳал қилувчи омил бўлди, деб баҳолаш мумкин.

Маълумки, Ўзбекистон-Франция муносабатлари салмоқли шартномавий-ҳуқуқий асосга эга. Бунга Президентимизнинг 1993 йилда Францияга давлат ташрифи пайтида пойдевор қўйилган эди. Энди у янги ҳужжатлар билан тўлдирилди. Бу ҳужжатлар орасида икки томонлама солиқ олишга барҳам бериш ҳамда даромад ва капиталдан солиқ тўлашдан бош тортишнинг олдини олиш ҳақидаги конвенция алоҳида ўрин тутади.

Иккала давлат раҳбари сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа соҳаларда мустаҳкам ва ўзаро фойдали ҳамкорлик қилиш учун улкан имкониятлар мавжуд экани хусусида яқдил фикрга келдилар. Музокаралар пайтида Президентлар энг муҳим халқаро масалаларда ўзларининг нуқтаи назарлари бирбирига мос келишини қайд этдилар. Айниқса, Франциянинг Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликнинг таъминланишидан манфаатдор эканини, Франция ҳукумати Ўзбекистоннинг Европа тузилмалари, хусусан Европа Иттифоқи билан муносабатларининг ривожланишини қўллаб-қувватлаётганини алоҳида таъкидлаш зарур.

Франция Республикаси Президенти иккала мамлакат раҳбарлари даражасида мунтазам сиёсий маслаҳатлашувларнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлади.

Йирик савдо-иқтисодий ва техник ҳамкорлик дастурларини муҳокама қилишда томонлар Ўзбекистон ва Франциянинг тегишли корхона ва ташкилотлари ўртасида тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатиш зарурлиги ҳақида келишувга эришдилар.

Ислом Каримовнинг Жак Ширак билан учрашуви ниҳоят даражада дўстона, хайрихоҳлик ва ишонч руҳида ўтди.

Президент Ширак Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлардан яхши хабардор экани маълум бўлди. Суҳбат пайтида шу нарса ҳам аён бўлдики, Франция Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китоби билан батафсил танишиб чиққан экан. У мамлакатимизни иқтисодий ривожлантириш концепцияси билан бирдамлигини изҳор этди.

Томонлар халқаро ташкилотлар доирасида мустаҳкам ҳамкорлик қилишга тайёр эканликларини ҳам баён қилдилар.

Жак Ширакнинг Ислом Каримовга бобокалонимиз Амир Темурнинг 1402 йилда Франция Қироли Шарл VI га йўллаган номасини тақдим этиши, шунингдек Франция Президентининг ўз рафиқаси билан «Темурийлар даврида илм-фан, маданият ва маорифнинг равнақи» кўргазмасининг тантанали очилишида шахсан иштирок этиши Франция раҳбарининг Ўзбекистонга, унинг тарихи ва маданиятига чуқур эҳтироми ифодаси бўлди.

Бу кўргазма Франция жамоатчилигида, дипломатик корпус вакилларида, журналистлар ҳамда, табиийки, илмий доираларда катта қизиқиш уйғотди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

«АМИР ТЕМУР» ОРДЕНИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

1. **«Амир Темур»** ордени таъсис этилсин.
2. **«Амир Темур»** ордени тўғрисидаги Низом тасдиқлансин (илова қилинади).
3. **«Амир Темур»** орденининг тавсифи тасдиқлансин (илова қилинади).
4. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 266-модда) 11-моддасининг «Мустақиллик ордени» деган сўзларидан кейин «Амир Темур» ордени» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 26 апрель.

«АМИР ТЕМУР» ОРДЕНИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ

1. **«Амир Темур»** ордени билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлатчиликни мустаҳкамлашдаги улкан хизматлари, меъморчиликни, илм-фан, адабиёт ва санъатни, шу жумладан ҳарбий маҳоратни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссалари учун мукофотланадилар. **«Амир Темур»** ордени билан давлатлараро ҳамкорликни, тинчликни ҳамда халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш ишига алоҳида ҳисса қўшганлик учун ҳам тақдирланадилар.

«Амир Темур» ордени билан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам мукофотланиши мумкин.

2. **«Амир Темур»** ордени билан мукофотлашга тақдим этиш, мукофотлаш ва орденни топшириш «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

3. **«Амир Темур»** ордени билан мукофотланган шахслар энг кам иш ҳақининг эллик карраси миқдорида бир йўла тўланадиган пул мукофоти оладилар.

«Амир Темур» ордени билан мукофотланган шахслар қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган имтиёзлардан фойдаланадилар.

4. **«Амир Темур»** ордени кўкракнинг ўнг томонига «Мустақиллик» орденидан кейин тақилади.

5. **«Амир Темур»** ордени билан вафотидан кейин мукофотланган тақдирда орден, мукофотлаш тўғрисидаги ҳужжат ва бир йўла бериладиган пул тўлови мукофотланганнинг оиласига топширилади.

«АМИР ТЕМУР» ОРДЕНИНИНГ ТАВСИФИ

Муаллиф И. А. Каримов.

«Амир Темур» ордени 0,25 микрон қалинликдаги тилла қопланган 925 даражали (пробали) кумуш қотишмадан тайёрланади ва икки ёнбағридан нурлар таралган саккиз қиррали бўртма юлдуз кўринишида бўлади. Юлдузнинг бурчаклари орасида яшил ранг эмаль қопланган тарам бўлиб таралаётган нурлар жойлашган. Юлдузнинг қарама-қарши жойлашган учларининг ораси 57 миллиметр. Нурлар жо бўлган айлананинг диаметри эса 52 миллиметрдир.

Орденнинг марказида, сидирга мовий эмаль фонида гижинглаб турган оқ от минган Амир Темурнинг улуғвор қиёфаси кумуш рангда тасвирланган. Отлиқ Амир Темурнинг тасвири айлана билан ўралган бўлиб, айлананинг сирт чизиғи бўйича диаметри 35,5 миллиметр, ички чизиғи бўйича диаметри 24,5 миллиметрдир.

Амир Темур қиёфасини ўраб турган оқ эмалли айлананинг юқорисида ярим ой ва юлдузни уз ичига олган мовий мусамман тасвирланган. Мусамман жо бўлган сатҳ айланасининг диаметри 8 миллиметр. Ярим ой жо бўлган сатҳ айланасининг диаметри 5,5 миллиметр, беш қиррали юлдуз жо бўлган сатҳ айланасининг диаметри эса 3,5 миллиметрдир.

Айлананинг юқорисида, мусамманнинг сўл томонига баландлиги 3 миллиметрли ҳарфлар билан «KUCH» сўзи, мусамманнинг ўнг томонига баландлиги 3 миллиметрли ҳарфлар билан «ADOLATDA» сўзи ёзилган. Айлананинг пастида, баландлиги 2,5 миллиметрли ҳарфлар билан «AMIR TEMUR» сўзлари ёзилган.

Орденнинг орқа томонида бурама қадағичи бор.

Пастки қисмида орденнинг тартиб рақами 1 миллиметр катталикдаги ботиқ шрифт билан ёзилган.

Орден бўртмасининг баландлиги 7,5 миллиметр.

Орденнинг оғирлиги 68 грамм.

БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ БЕШИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

25 апрель куни Тошкентда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бешинчи сессияси иш бошлади.

Мажлислар залида Ўзбекистон ҳукуматининг аъзолари, республика ташкилотларининг раҳбарлари, хорижий давлатлар элчилари ҳамда дипломатия корпусининг, халқаро ташкилотларнинг вакиллари, хорижий ва республика оммавий ахборот воситаларининг мухбирлари ҳозир бўлди.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э. Халилов бошқарди.

Сессия мандат комиссиясининг раиси Ш. Мирзиёев маърузаси бўйича Олий Мажлиснинг янги сайланган депутатлари И. Ғафуров ва Ф. Муҳитдинованинг ваколатларини тўғри деб топди.

Депутатлар сессиянинг ишчи органи — котибиятни тузадилар, кун тартибини тасдиқладилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов Россия Федерацияси Давлат Думасининг Беловеж битимларини бир томонлама бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилганлиги ҳамда собиқ совет ҳудудидаги давлатлараро муносабатларда юз берётган айрим жараёнлар муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари Кенгашларининг қўшма қарори тўғрисидаги масала юзасидан маъруза қилди.

Музокараларда депутатлардан Урганч давлат университети ректори А. Саъдуллаев, «Миллий тикланиш» демократик партияси раисининг биринчи ўринбосари, «Миллий тикланиш» газетасининг бош муҳаррири И. Ғафуров, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси У. Аширбеков, «Қизилқумноёбметаллотин» концерни раиси Н. Кучерский, Фарғона вилояти-

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДАГИ ҲАҚИҚАТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Президент Ислом Каримовнинг ЮНЕСКО ижроия кенгашининг 149-сессиясида сўзлаган нутқи жаҳон жамоатчилиги эътиборини ўзига жалб этди.

ЮНЕСКОнинг ноёблигини, деб таъкидлади Президент, биз энг аввало сайёрамиздаги катта ва кичик халқларнинг ўтмиши ва бугунги кунига бир хил ҳурмат ҳамда авайлаб қилинаётган муносабатни сақлаб қолган ҳолда, ЮНЕСКО доирасида ўзига хос ва бетакрор миллий маданиятлар ҳамда жаҳон цивилизацияси ютуқларини кенг намойиш этиш учун ғўзал имкониятлар яратилаётганида кўрамиз.

Тараққиётнинг мустақил йўлидан бораётган Ўзбекистон ЮНЕСКО билан мустаҳкам ҳамкорлик қилмоқда, жаҳоннинг эзгулик сиёсатини ривожлантиришда иштирок этиш мақсадида халқаро миқёсда маънавий алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш учун олдимизда очилаётган имкониятлардан фаоллик билан фойдаланмоқда.

Президент ЮНЕСКО Бош директори жаноб Федерико Майорнинг яқинда мамлакатимизга ташрифидан сўнг янада ривожлана бошлаган бу ташкилот билан алоқаларимизнинг юксак даражасини қайд этди.

Мамлакатимиз тарихи шавкатли номларга бойдир. Давлатимиз раҳбари ЮНЕСКО минбарида туриб буюк аждодларимиз — ал-Бухорий, ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд, ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Навоий, Улуғбек, Бобур ҳамда бугунги кунда бутун дунёга машҳур шарқ мутафаккирларининг номларини тилга олганида Ўзбекистон вакиллари тарихимиздан алоҳида фахрланиш туйғусини ҳис этдилар.

Президентимиз XIV асрнинг йирик ёрқин намояндаси бўлмиш Амир Темурнинг тарихда тутган ўрни ва аҳамиятини алоҳида қайд этди. Амир Темур қудратли ва гуллаб-яшнаган давлат барпо этиб, ўрта аср дунёсининг асл маданий ва маънавий марказларидан бирига айланган, инсон ақли ва истеъдодининг ноёб ижоди бўлиб, бугунги кунда ҳам сақланиб қолган мислсиз меъморий обидалари билан машҳур Самарқандни унинг пойтахтига айлантирган атоқли саркарда ва давлат арбоби сифатидагина жаҳон тарихига кирган эмас, деб таъкидлади Ислом Каримов.

Амир Темур олимлар, файласуфлар, меъморлар, шоирлар, ҳофизлару машшоқларга ғамхўрлик қилишда ҳам ном қозонган эди. Темурийлар даври ҳақиқатан ҳам илм-фан, маданият ва маорифнинг беҳад равнақ топишини таъминлаган Шарқ уйғониш даври эди.

«Мен XXI аср маънавият асри, маърифат асри, илм-фан, маданият ва ахборот асри бўлишига қатъиян аминман», деди Ислом Каримов.

Бош директор Федерико Майор билан учрашув Ўзбекистон ҳукумати билан ЮНЕСКО ўртасида бу ташкилотнинг Тошкентда ваколатхонасини очиш тўғрисидаги битимни имзолаш билан якунланди.

Ислом Каримов Франция Президенти Жак Ширак иштирокида ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майорга ЮНЕСКО билан Ўзбекистон ўртасидаги маданий ҳамкорликни мустаҳкамлашдаги беқиёс хизматлари, Марказий Осиё халқларининг бой маънавий меросини тиклаш ва тарғиб қилишга қўшган улкан ҳиссаси, «Ипак йўли — мулоқот йўли» халқаро дастурини амалга оширгани учун Ўзбекистон Республикасининг олий мукофоти — «Дўстлик» орденини топширди.

Машҳур француз олими Люсьен Керэнга Амир Темур ва темурийлар даври бўйича улкан илмий тадқиқотлари учун «Шуҳрат» медали топширилди.

Франция Миллий Мажлиси Раиси Ф. Сеген, шунингдек «Франция—Ўзбекистон» дўстлиги депутатлар гуруҳи аъзолари билан учрашувда парламентлараро алоқаларни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди, иккала мамлакат ташқи ва ички сиёсати юзасидан фикр алмашинди.

Икки томонлама савдо-иқтисодий муносабатларнинг ҳолати ва истиқболлари вакили Ив Галлан ҳамда Париж ва Лионнинг савдо-саноат палаталари вакиллари билан, шунингдек «Креди коммерсиаль де Франс» банки ташкил этган молиявий доиралар вакиллари билан учрашувда батафсил муҳокама қилинди.

Ўзбекистон раҳбари йирик бизнес вакилларига Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб иқтисодий ўзгаришлар, мамлакатда хорижий сармоядорларга яратиб берилган шароит, сармоя келишини таъминлайдиган салмоқли ҳуқуқий асос тўғрисида батафсил гапириб берди.

Шуниси қувонарлики, Франция бизнесменлари Ўзбекистондаги бозор ислоҳотларининг муваффақиятидан яхши хабардорлигини билдиришди ҳамда савдо-иқтисодий соҳада Ўзбекистон билан мустаҳкам ҳамкорлик қилишга тайёр эканликларини изҳор этишди.

***

Шундай қилиб, давлат бошлиғининг навбатдаги ташрифи ниҳоясига етди. Бу ташрифнинг олдинги барча ташрифлардан фарқи шундаки, бу гал сиёсий ва иқтисодий мулоқот билан бир пайтда фақат Франция доирасидагина чекланиб қолмайдиган тарихий, маданий ва маънавий жиҳатлар ҳам сезилиб турди.

Францияга ташрифнинг дастлабки якунлари нималардан иборат?

Аввало шуни айтиш керакки, биз, Ўзбекистон халқи ва унинг Президенти, ҳаммамиз олдинги тоталитар тузум даврида унутиб юборилган буюк бобомиз Амир Темур олдидаги тарихий, таъбир жоиз бўлса, маънавий бурчимизни ҳам бажардик.

Ўн йил муқаддам соҳибқирон Амир Темур таваллудига 650 йил тўлган эди. Юбилейлар маъносида 650 рақами 660 га нисбатан мақбулроқ ҳисобланади. Бироқ ўша вақтда, бундан атиги ўн йил муқаддам, Амир Темурнинг ўз халқи маданияти ва маърифати соҳасидаги буюк ишлари ва ҳарбий жасоратларини билсак-да, Парижни-ку, қўяверинг, Тошкентнинг ўзида ҳам бундай тадбирлар ўтказилмаган эди.

Очиғини айтадиган бўлсак, ЮНЕСКО каби мўътабар ташкилот ҳомийлигида ўтган бундай кенг кўламли тантанани илгари хаёлимизга ҳам келтира олмасдик.

Давр ўзгарди. Ўтмишга муносабат ҳам ўзгарди. Тарихга баҳо бериш мезонлари ўзгарди. Тарихий шахсларга нисбатан ҳақиқат қайта тикланди.

Ҳозирги Ўзбекистон ўз ўтмишини қайтадан тиклаётгани ва ўз келажагини дадил барпо этаётганлиги туфайли буюк Амир Темур шахсини шарафлаш мумкин ва ҳатто зарур бўлди. Ҳозирги Ўзбекистон жаҳон майдонига дадил чиқиб бормоқда ва бошқа давлатлар билан теппа-тенг мулоқот қилмоқда. Буюк аждодларимизнинг улкан тарихий ва маънавий меросига эга бўлган ҳозирги Ўзбекистон шу аждодларимиз билан фахрланади. Ҳар қандай халқ ҳам шундай аждодлар номи билан фахрланишни орзу қилади.

Бизнинг бой тарихий ва маданий тажрибамиз Ўзбекистонга жаҳон ҳамжамиятига уйғун бўлиб қўшилиш, у ерда ўзига муносиб жой топиш имконини берди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, жаҳон жамоатчилиги Ўзбекистоннинг тинчлик ташаббусларини, пухта ўйланган ва амалга ошириш мумкин бўлган, сохта шуҳратпарастликка алоқаси бўлмаган ташаббусларини яхши англаб қарши олди.

Ҳозир ҳамма Ўзбекистонни билади ва ҳурмат қилади. Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунданоқ, кўп сонли «қатъий» тавсияномаларга қарамай, (бундай тавсия берувчилар кўп эди) ўз йўлини, фақат ўзига хос бўлган жамиятни сиёсий ва иқтисодий ислоҳ қилиш йўлини танлаб олди. Биз танлаган йўл шунга олиб келдики, биз ҳозирнинг ўзидаёқ ислоҳотларнинг дастлабки чинакам натижаларини кўриб турибмиз ва энди бозор муносабатларига ўтишнинг Ўзбекистон модели собиқ Иттифоқ ҳудудидаги бошқа мамлакатларга намуна бўлиши мумкин, деган гаплар эшитиляпти.

Бироқ Ўзбекистон бошқаларга ўз йўлини тиқиштирмоқчи эмас. Ҳар бир халқ ўз йўлини танлаб олишга ҳақлидир. Биз «Ўзбекистон модели» ибораси тилга тушгани, бу ҳақда кўп халқаро ташкилотлар минбаридан, жаҳон матбуоти саҳифаларида гапирилаётганида ичимизда фахрлана оламиз.

Президент Ислом Каримов бозорнинг ўзи мақсад эмас, бозор, бозор муносабатлари одамлар учун муносиб турмуш шароитини яратишга хизмат қилган тақдирдагина мақбул бўлади, деган фикрни тез-тез такрорлайди.

Бизда айни шундай, ижтимоий йўналишдаги бозорни барпо этиш жараёни бормоқда ва айни пайтда тарихий, маданий, маънавий қадриятларни қайта тиклаш юзасидан зўр бериб изчил иш олиб борилмоқда. Бу иш мустақилликка эришилган дастлабки кунларданоқ бошланиб, тоталитар якка мафкура тузумидан бозор муносабатларига ўтишнинг қийин шароитларида давом этмоқда. Жамиятимизда маънавий ва ахлоқий тикланиш масалалари устуворлиги сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар устуворлигидан кам эмас.

Дадил айтиш мумкинки, миллий ўзини англаш туйғусининг ўсиши, миллий ғурурнинг кучайиши, биз нақадар улкан маданий ва тарихий бойликлар вориси эканимизни англаш, буюк аждодларимизнинг маънавий ва илмий жасоратларини муносиб давом эттириш истаги ҳамда энг муҳими, ҳозирги авлоднинг, айниқса ёшларнинг халқимиз маънавий бойлигини янада ривожлантириш ва кўпайтиришга қатъий бел боғлагани — янги Ўзбекистон Республикаси давлати барпо этилаётган пойдевор бўлди. Парижда ЮНЕСКО ҳомийлигида Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига ва темурийлар даврининг бой меросига бағишлаб ўтказилган юбилей тантаналари янги «Ўзбекистон модели», яъни бу гал жамиятин маънавий жиҳатдан қайта тиклаш модели эътироф этилганининг тасдиғи бўлди.

Президент Ислом Каримов француз журналистларининг саволларига жавоб қайтарар экан, шундай деди: «Биз шу кундаёқ узоқ келажак тўғрисида, ҳозирги ёшларнигина эмас, балки бўлажак авлодларнинг ҳам муносиб ва бахтли тақдири ҳақида ўйлашимиз лозим. Шу сабабли ҳозирги қийин шароитда биз асос солаётган келажак жамияти маърифатли, маънавий ва ахлоқий жиҳатдан бой кишилар қўли билан барпо этилиши жуда муҳимдир. Бизда қалби ватанга меҳр ва ватан билан фахрланиш туйғуларига тўла бўлган маърифатли, билимдон, моҳир, жасур кишилар қанча кўп бўлса, келажагимиз иморати шу қадар мукаммал бўлади».

Ҳа, биз янги, замонавий завод ва корхоналар қуришни ўрганиб олдик, бу иш қўлимиздан келади. Худо хоҳласа, бозор муносабатларига ҳам тўла ўтамиз. Лекин Ўзбекистон халқи ва унинг Президенти базорни инсоний, тўғрироғи инсонпарварлик муносабатларисиз тасаввур қила олмаслиги ҳам жуда муҳим.

Бу биз танлаб олган йўлнинг яна бир хусусиятидир. Энг муҳими эса, бу йўлда чинакам ютуқларга эришилмоқда.

Дастлабки йилларда Ғарб матбуоти сиёсатчиларнинг фаолокат муқаррарлиги тўғрисидаги нохуш фаразлари билан тўлиб кетган эди. Уларнинг фикрича, айни Марказий Осиёда, аниқроқ қилиб айтганда, Ўзбекистонда шундай фалокат юз бериши лозим эди. Кўп одамлар бу «башорат»ларга чиппа-чин ишонди ҳам. Чунки Фарғона ва Ўшдаги қонли воқеалар унутилмаган эди. Оллоҳга шукрки, халқлар ва уларнинг сиёсатчилари донолик билан иш тутгани туфайли бу башоратлар рўёбга чиқмади.

Европаликлар биздан тез-тез: қандай қилиб шу қисқа муддатда, беш йилдан камроқ вақт ичида бўҳрондан чиқибгина қолмай, олға томон ҳаракат қилдиларингиз? — деб сўраб турганини ҳақиқатан ҳам кишининг кўнглини кўтариб юборади.

Шуниси қизиқки, ҳамма нарсани фойда билан ўлчайдиган европаликлар бизнинг муваффақиятларимизнинг қудратли илдизлари буюк ўтмишимизга, халқимизнинг бунёдкорлик тажрибасига таяниши борасидаги ҳақиқатни осонгина тушунишмоқда. Айни тарихий узвийлик, эски тоталитар тузум даврида зўрлик билан бузиб ташланган ва ҳозир бутун улуғворлиги билан қайтадан тикланаётган тарих занжирининг ҳалқалари бизга — тараққиётнинг янги йўлини бехато танлаб олиш ва келажак сари дадил қадам ташлаш имконини берган бой тажрибамиз, агар таъбир жоиз бўлса, қонимиздаги ирсиятлар тўғрисида бутун жаҳонга баралла гапириш ҳуқуқини беради.

Ҳозир бутун дунё Ўзбекистон тўғрисидаги ана шу янги ҳақиқатни англаб олгани қувончлидир. Бу ҳақиқатни биз ўзимиз — каттаю-кичик қарор топтираётганимиз эса янада муҳимроқдир.

(ЎзА).

АМИР ТЕМУР ДАВРИДАГИ БУНЁДКОРЛИК ВА ҲАМКОРЛИК РУҲИ БИЗГА НАМУНА БЎЛАВЕРСИН

(Давоми. Боши 1-бетда).

ЮНЕСКО қароргоҳидаги ушбу кўргазма Амир Темурнинг **«Чиндан ҳам ишларимиз бизни кўрсатиб туради!»** деган машҳур сўзларини яққол тасдиқламоқда.

Марказий Осиё маданий ва маънавий меросини ўрганиш ҳамда қайта тиклашга доир махсус дастурни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга ЮНЕСКОнинг қўшган улушини Ўзбекистон юксак даражада қадрлайди.

Бу Ўзбекистон учун, айниқса, қимматлидир. Ўзбекистонда, маълумки, машъум совет даврида кўплаб маданият ёдгорликлари бузиб юборилган, ер билан яксон қилинган эди.

Шу сабабли биз амалга оширилаётган турли лойиҳаларда, хусусан, Ўзбекистон ҳудудидаги археология экспедицияларида турли мамлакатлар, шу жумладан, Япония ва Франция олимлари ҳамда мутахассисларининг иштирокини жуда қадрлаймиз.

Қўриқхона мажмуаларидаги таъмирлаш ишларида, мамлакатимизда халқаро туризм индустриясини барпо этишда катта ёрдам кўрсатилмоқда.

Хонимлар ва жаноблар!

ЮНЕСКОдаги кўргазма ҳаммангиз учун Ўзбекистонга, Амир Темур Ватанига боришга ўзига хос таклифномадир.

Ишончим комилки, меъморчилик ёдгорликлари, қадимги қўлёзмалар, Туркистон халқ усталари ясаган буюмлар асрлар оша сизларга улуғворлиги ва бадиий шаклларнинг пухталиги билан, фикр ва ижод теранлиги, маънавий софлик билан завқ бағишлайди.

Улар ақл-идрокни юксакликка кўтаради ва ҳозирги инсон Ғарбдами ёки Шарқдами — қаерда яшамасин, унинг қалбига етиб боради.

Кўз олдингизда очилган кўргазма маънавий ва маданий қадриятлар бизни бир-биримизга яқинлаштирадиган, ҳамжиҳатликка эришишда ёрдам берадиган, ҳамкорликнинг янги уфқларини очадиган бойлик эканини яна бир бор тасдиқлайди.

Амир Темур замонасида яққол намоён бўлган бунёдкорлик ва ҳамкорлик руҳи бугун бизга яхши намуна бўлиб хизмат қилаверсин.

Қадим-қадим замонларда вужудга келган Буюк ипак йўли яшайверсин, қайта тикланиб, Шарқ билан Ғарб ҳамжиҳатлигига, тинч ва бунёдкорлик алоқаларига хизмат қилаверсин.

Хонимлар ва жаноблар!

Бугун мен ҳам қувончли пайтдан фойдаланиб, Франциянинг таниқли олими, профессор Люсьен Керэн Амир Темур ҳаёти ва фаолиятини, темурийлар даврининг бой маънавий қадриятларини кўп йиллар давомида самарали илмий тадқиқ этгани, Франция ва Ўзбекистон халқлари маданиятининг яқинлашиши ва ҳамжиҳатлиги ишига қўшган шахсий ҳиссаси учун Ўзбекистоннинг юксак давлат мукофоти — **«Шуҳрат»** медали билан тақдирланганини маълум қилмоқчиман.

Эътиборларингиз учун ташаккур.

* * *

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майорга мамлакатимизнинг «Дўстлик» орденини, Франциянинг таниқли темуршунос олими, профессор Люсьен Керэнга эса **«Шуҳрат»** медалини тантанали суратда топширди. Ф. Майор ва Л. Керэн ўз фаолиятларига берилган юксак баҳо учун Ўзбекистон раҳбарига чуқур миннатдорлик билдирдилар.

Юксак мукофотларни топшириш маросимида Франция Республикаси Президенти Жак Ширак иштирок этди.

(ЎзА).

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

26 апрель куни Тошкентда Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлди, унда 1996 йилнинг биринчи чорагида Ўзбекистон Республикасида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ва иқтисодий ислоҳотларнинг бориши тўғрисидаги масала муҳокама этилди. Мажлисда Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, вазирликлар, давлат қўмиталари, корпорациялар, концернлар, уюшма ва идоралар раҳбарлари иштирок этди.

Мажлисни республика Бош вазири Ў. Султонов бошқарди.

Шу йил 7 мартда Республика Вазирлар Маҳкамаси қарори билан «1996 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари дастури» қабул қилинган эди. Мажлисда ана шу дастурни бажариш юзасидан ҳокимликлар, вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар амалга оширган ишларга эътибор қаратилди. Бу борадаги камчиликлар муҳокама этилиб, уларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар берилди.

Муҳокама этилган масала юзасидан республика Бош вазирининг ўринбосарлари — «Ўзистиқболстат» давлат қўмитасининг раиси Ў. Исмоилов, молия вазири Б. Ҳамидов, шунингдек республика Марказий банки бошқарувининг раиси Ф. Муллажонов маъруза қилди.

Музокараларда сўзга чиққан республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Бош вазир ўринбосари Р. Гиниятуллин, қишлоқ хўжалик вазири М. Жуманиёзов, Тошкент вилоят ҳокими Э. Рўзиев, «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат кооператив қўмитаси раиси Т. Жабборов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси С. Авазматов ва бошқалар қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусан баҳорги экиш ишларини уюшқоқлик билан ўтказиш, пахта, ғалла ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, техникани ўрим-йиғим мавсумига тайёрлаш масалалари юзасидан фикр-мулоҳаза билдирдилар.

Мажлисда республика Президентининг Давлат маслаҳатчиси В. Голишев, Бош вазир ўринбосарлари қатнашди.

(ЎзА).

БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ БЕШИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

нинг Қува туманидаги Ш. Рашидов номли «Анор» жамоа хўжалиги раиси М. Сайфитдинова, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси А. Орипов, «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасининг бош директори Ш. Юсупов, Олий Мажлис Матбуот ва ахборот қўмитасининг раиси Ў. Ҳошимов, «Шарқ» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Г. Сидаков, Тошкент давлат шарқшунослик институти ректори Н. Иброҳимов, Бухоро вилоятининг Қоракўл тумани касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси М. Олтиев, Қашқадарё вилоятидаги «Мубораклгаз» газ конлари бошқармаси раиси И. Келеш, «Халқ бирлиги» ҳаракати раиси, Тошкент Давлат университетининг проректори Т. Долимов сўзга чиқдилар.

Мазкур масала муҳокамасидан сўнг қўшма қарор қабул қилинди.

Сўнгра парламент аъзолари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси иккинчи қисмининг лойиҳасини кўриб чиқдилар. Бу масала юзасидан Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Н. Исмоилов маъруза қилди. Қонун лойиҳасини муҳокама қилишда депутатлардан Нукус шаҳри ҳокими А. Аметов, Самарқанд вилоятининг Иштихон тумани ҳокими С. Муродов, Ўзбекистон халқ демократик партияси Қашқадарё вилоят кенгашининг биринчи котиби Ф. Омонов, Фарғона давлат университети кафедра мудири Ю. Нишонов, Тошкент ҳуқуқшунослик институти ректори Ҳ. Бобоев иштирок этдилар. Фуқаролик Кодекси иккинчи қисми лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллаш ва уни кенг муҳокама қилиш учун матбуотда эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасининг раиси А. Аҳадов «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди.

Мазкур масала юзасидан депутатлар: Хоразм вилоятидаги Хонқа пахта тозалаш заводининг директори И. Бобожонов, Сурхондарё вилоятидаги Денов автобус-таксомотор парки директори К. Сапиев, Самарқанд вилоятининг Жомбой тумани ҳокими К. Исроилов, Тошкент вилояти тадбиркорлик ва кичик бизнес жамғармаси раиси А. Юсупов, Олий Мажлис Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасининг котиби Р. Турдиев сўзга чиқдилар. Шундан сўнг Қонун қабул қилинди.

Олий Мажлиснинг кечки мажлиси «Акциядорлар жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини кўриб чиқиш билан бошланди. Бу масала юзасидан Иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитасининг раиси А. Йўлдошев маъруза қилди. Музокарада депутатлар: Тошкент вилоятининг Оққўрғон тумани ҳокими Н. Бердиқулов, «Файз» акционерлик мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори М. Азимова, Қашқадарё вилоятининг Косон туманидаги «Косон» моддий-техника корхонасининг бош муҳандиси Н. Сойибов сўзга чиқдилар. Олий Мажлис қўмитага депутатлар айтган таклифлар ва мулоҳазаларни ўрганиб, натижаси ҳақида Парламентга ахборот беришни топширди.

Депутатлар «Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси юзасидан Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасининг раиси А. Аҳадовнинг маърузасини тингладилар. Мазкур масалани муҳокама қилишда депутатлар: Сурхондарё вилояти савдо-тайёрлаш бирлашмасининг раиси Х. Қиличев, Наманган шаҳри ҳокими М. Каримов, «Ўзкоммунмаштаъминот» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори О. Мансуров, Навоий шаҳри ҳокими Б. Ҳамдамов иштирок этдилар. Муҳокамадан сўнг депутатлар мазкур Қонунни қабул қилдилар.

Сўнгра сессия иштирокчилари Иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитасининг раиси А. Йўлдошевнинг «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақидаги маърузасини тингладилар. Парламент депутатлар: Самарқанд вилоятининг Ургут туманидаги Алишер Навоий номли халқ корпорацияси раиси А. Зиёев, Фарғона вилоятининг Бешариқ туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги раиси Р. Эҳсонов, Сурхондарё вилоятининг Музработ тумани ҳокими А. Лапасов ва Хоразм вилоятидаги Хива шаҳри ҳокими Э. Раҳмоновнинг нутқларини тинглаб, мазкур Қонунни тасдиқлади.

Шу билан парламентнинг кечки мажлиси тугади.

***

Олий Мажлиснинг бешинчи сессияси 26 апрель куни Тошкентда ўз ишини давом эттирди.

Олий Мажлис ишининг иккинчи куни саноат, энергетика, транспорт, алоқа ва аҳолига хизмат кўрсатиш қўмитаси раиси И. Кочмарикнинг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақидаги маърузасини муҳокама қилиш билан бошланди. Музокараларда депутатлар: Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз электр тармоқлари корхонасининг бошлиғи А. Болтаев, Тошкент вилоятидаги «Янгийўл ёғ-мой» акционерлик жамиятининг раиси М. Худоёров, Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё туманидаги «Оқолтин» жамоа хўжалигининг раиси О. Ҳалимбетов, Фарғона шаҳри ҳокими А. Отабоев сўзга чиқдилар. Олий Мажлис бу қонунни қабул қилди.

Иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитасининг раиси А. Йўлдошев депутатларга акциядорлар жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини муҳокама қилиш чоғида депутатлар айтган таклифлар ва мулоҳазаларни ўрганиш натижалари ҳақида ахборот берди. Шундан сўнг қонун қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан Амир Темур орденини таъсис этиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси тайёрланган ва сессияга кўриб чиқиш учун тақдим этилган эди. Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси А. Холмуродовнинг шу масала юзасидан қилган маърузасида ҳамда депутатлардан: Олий Мажлис Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг раиси Э. Воҳидов, Бухоро вилояти ҳокими М. Раҳмонов, «Миллий тикланиш» демократик партияси раиси А. Қаюмов, Жиззах вилоятининг Мирзачўл тумани ҳокими Т. Есимов, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг президенти Т. Жўраев, Қашқадарё вилоятининг шаҳрисабз тумани ҳокими Ш. Алланазаров нутқларида ЮНЕСКО қарорига биноан Ўзбекистон жамоатчилиги ва бутун жаҳон соҳибқирон таваллудининг 660 йиллигини нишонлаётган йилда Амир Темур орденининг таъсис этилиши мамлакат ва халқнинг ўтмиши, ҳозирги куни ва келажагининг тарихий узвийлиги рамзи, Ўзбекистоннинг юксалиши ва гуллаб-яшнашига садоқат билан хизмат қилишнинг илҳомбахш омили экани таъкидланди. Олий Мажлис Амир Темур орденини таъсис этди ва якдиллик билан тегишли қонунни қабул қилди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси фахрий унвонларини таъсис этиш тўғрисидаги қонун муҳокама этилди ва қабул қилинди. Бу масала юзасидан Ўзбекистон халқ ёзувчиси П. Қодиров, Андижон вилоятининг Жалолқудуқ тумани ҳокими М. Эгамова, «Ўзбекгеофизика» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Т. Бобожонов сўзга чиқдилар.

Депутатлар кўриб чиқиши учун уларга миллий хавфсизлик тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳавола қилинди. Бу ҳақда Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг раиси Б. Наимов маъруза қилди. Парламент қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Н. Исмоиловнинг маърузаси юзасидан Ўзбекистон Республикасида депутатни чақириб олиш тартиби тўғрисидаги қонун иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси раиси Ч. Абдиров Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг бир қанча муҳим меъёрларини асослаб берди. Муҳокамада депутатлар: Фарғона шаҳри Қирғули тумани ҳокими В. Белоногов, Навоий вилоятидаги Конимех марказий касалхонаси шифокори Б. Шоназаров, Бухоро вилоятидаги Ғиждувон ип йигирув-тўқув фабрикасининг директори М. Умаров иштирок этдилар. Олий Мажлис мазкур Низомни тасдиқлади.

Парламент амалдаги қонун ҳужжатларига бир қанча ўзгартиш ва қўшимчалар киритди.

Конституцияга мувофиқ, сессияда Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қанча фармонлари тасдиқланди.

Олий Мажлис Ўзбекистон Республикасининг БМТ ва турли ихтисослашган муассасалар фойдаланадиган имтиёзлар ва дахлсизлик ҳуқуқлари тўғрисидаги ҳамда БМТ ходимлари ва бу ташкилотга алоқадор ходимларнинг хавфсизлиги тўғрисидаги конвенцияларга қўшилиши ҳақида қарор қабул қилди. Кимёвий қуролларни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, тўплаш ва ишлатишни тақиқлаш ҳамда уларни йўқ қилиб ташлаш тўғрисидаги конвенция тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раисини ва айрим судьяларини сайлаш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Ваколат муддати тугагани муносабати билан У. Мингбоев иккинчи муддатга Олий суд раиси этиб сайланди. Х. Қудратов, С. Эшонқулов Олий суд судьялари этиб сайланди.

Сўнгра депутатлар Олий Мажлис бешинчи сессияси котибияти раҳбари Н. Бердиқуловнинг қилинган ишлар тўғрисидаги ахборотини тингладилар.

Конституциянинг 84-моддасига мувофиқ, Олий Мажлис ва унинг раҳбариятининг 1995 йилги ишлар тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Парламент айрим маъмурий-ҳудудий бирликларнинг номини ўзгартириш тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Андижон вилоятидаги Комсомолобод тумани номи — Улуғнор тумани, Жиззах вилоятидаги Ульяновск шаҳри номи — Даштобод шаҳри деб ўзгартирилди.

Шу билан биринчи чақириқ Ўзбекистон Олий Мажлиси бешинчи сессияси ўз ишини тугатди.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ДУНЁ ЎЗГАРИШЛАРИ

• Ж. ДУДАЕВНИНГ ҳалок бўлгани ҳақидаги хабар тасдиқланган тақдирда ҳам АҚШнинг Чеченистон муаммосига муносабати ўзгармайди, деди АҚШ давлат департаменти вакили Глин Дэвис журналистларга. «Биз Ж. Дудаевнинг ҳалок бўлгани ҳақидаги хабарни фақат матбуот орқали эшитдик. Унинг тўғри ёки нотўғри экани ҳозирча аниқлангани йўқ. Бироқ, вазият қандай бўлишидан қатъи назар АҚШ Чеченистон муаммосини фақат тинч музокаралар йўли билан ҳал этиш тарафдоридир.

***

• **ВАШИНГТОНДА АҚШ Президенти Билл Клинтон билан Ливан Президенти Илёс Хровий ўртасида музокара бўлиб ўтди. Музокарада сўнгги пайтда Ливан жанубида юз бераётган қонли воқеалар, Исроил армияси билан «Ҳизбиоллоҳ» куролли бўлинмалари ўртасидаги ҳарбий ҳаракатларга барҳам бериш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Оқ уй маъмурияти раҳбарининг таъкидлашича, АҚШ ҳукумати Халқаро Қизил ҳоч жамияти воситасида Исроил ҳужумидан зарар кўрган Ливан аҳолисига бир миллион доллар миқдорида инсонпарварлик ёрдами кўрсатишни режалаштирмоқда.**

***

• УКРАИНАНИНГ УТ-1 телеканали Чернобиль фожиасининг 10 йиллиги муносабати билан бир кеча-кундузлик телемарафон ўтказди. У бутун Европа бўйлаб намойиш этилди.

Телемарафон давомида Украина ва хорижий мамлакатларнинг сиёсат, фан ва маданият вакиллари, Чернобиль фожиасини бартараф этишда иштирок этган кишилар билан учрашув уюштирилди. Телемарафондан тушган хайрия маблағи ушбу фожиадан азият чекканларга юборилади.

***

• **ЯМАН қирғоқларида Сомали фуқаролари жасади топилди. Улар кема орқали Сомалидан Яманга яширинча ўтиб олишга ҳаракат қилган. Маҳаллий полиция тахминига кўра, қочқинлар денгиз қароқчилари ҳужумининг қурбони бўлган.**

Яманда тарқатилган хабарда айтилишича, одамларни яширинча Яманга ташувчи бир нечта кемаларнинг хўжайинлари ҳибсга олинган. Улардан бирининг гувоҳлик беришича, қароқчилар кемага ҳужум қилиб, йўловчиларни талаган, сўнгра уларни ўлдириб, жасадларини сувга ташлаган. Хўжайиннинг ўзи эса қароқчиларга 70 минг АҚШ доллари миқдорида товон пули тўлаб омон қолган.

***

БМТ ТАЪҚИҚИГА қарамай Эрондан Босния ва Герцеговинага яширинча қурол олиб келингани ҳақидаги масала билан АҚШ конгресси вакилларидан ташкил топган махсус комиссия шуғулланадиган бўлди. Комиссия таркиби 5 нафар республикачилар ва уч нафар демократлардан ташкил топган. Гуруҳга конгресснинг ҳуқуқий қўмитаси раиси Г. Хайд раҳбарлик қилади.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

МИСР ЭКСПОРТИНИНГ РИВОЖИ

Мисрда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспорти сезиларли даражада ривож топгани қайд этилди.

Миср қишлоқ хўжалик соҳасига янгидан-янги хусусий ширкат ва тадбиркорларни жалб этиши натижасида мамлакатнинг хусусий секторида қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг экспорт ҳажми янада ошган. Бу борадаги кўрсаткич 1991-92 йилда 54,7 фоизни ташкил этган бўлса, у 1992-93 йилга келиб 63,4 фоизга етган.

Мамлакатда қишлоқ хўжалик экспортидан тушадиган тушумни 5 миллиард Миср жунайҳига етказиш мақсадида муайян чора-тадбирлар белгиланган. Жумладан, Миср бугунга келиб четга 2 миллион тонна пахта экспорт қилаётган бўлса, чет элга чиқараётган картошка маҳсулоти 1995 йили 430.000 тоннага, апельсини эса 200.000 тоннага етган. Айни чоғда Миср шоли маҳсулдорлиги бўйича ҳам юқори кўрсаткичларга эришган ва ҳар бир феддан ердан 3,3 тонна шоли олган. Жаҳон бозорида Мисрнинг доривор ўсимликларига бўлган талаб ҳам сезиларли ошмоқда. 1994 йили ушбу мамлакат 20.000 тонна доривор гиёҳларини экспорт қилгани фикримизнинг ёрқин далилидир.

ҚИСҚАЧА АЙТГАНДА

РОССИЯ Президенти Борис Ельцин расмий ташриф билан Хитой Халқ Республикасига келди. Россия раҳбари бу ерда ХХР раиси Цзян Цзэмин, Давлат Кенгаши Раиси Ли Пэн ва бошқа ҳукумат раҳбарлари билан учрашди.

***

• ***ЯПОНИЯда «Аум Синрикё» мазҳаби етакчиси С. Асахара иши бўйича суд жараёни бошланди.***

***

• ***ШВЕЦИЯ РАДИОСИ: АҚШ ҳукумати шу ҳафтада собиқ Иттифоқнинг бир қатор республикаларига доридармон ва тиббиёт ускуналаридан иборат 15 миллион долларлик инсонпарварлик ёрдамини етказиб беради. Бу ёрдам Чернобиль ҳалокатининг ўн йиллиги арафасида Беларусь, Украина ва Молдова аҳолисига тарқатилади.***

***

• ***ЎТГАН чоршанба куни Россия президентлигига номзодлардан бири Михаил Горбачевга Омск шаҳрида номаълум кимса ҳужум қилди. У бу ерга сайловолди кампаниясини ўтказиш учун келган Михаил Сергеевичнинг юзига бир шапалоқ урди. Горбачевни қўриқловчи йигитлар безори кимсани дарҳол қўлга тушириб, милицияга топширдилар.***

..... XX аср юлдузлари

ҚУШИҒИМДА «УХЛАЙМАН»...

Жаҳон эстрада осмонида юлдузлар мўл. Улар чақнайди, тиниқлашади, хиралашади...

Назаримда, машҳур одамларни, айниқса, санъаткорларни мухлислар наинки тинглашади, севишади, балки кўпроқ кузатишади. Қай маънодаки, уларнинг саҳнадаги хатти-ҳаракати-ю, шахсий ҳаётидан тортиб, уйидаги ҳайвонларигача зийрак шинаванда диққатидан қочиб қутулолмайди.

Майли, халқимиз мевали дарахтга тош отишади, дейди.

Жаҳон эстрадасининг супер - юлдузи.

Эстрада осмонидаги «узоқ порлаган» юлдуз.

Майкл америкалик эстрада мухлислари фахри.

Японияликлар ашаддий мухлиси... Осиёда, Африкада, ер юзида... Ҳа, Майкл Жексоннинг шон-шуҳрати ҳақида бундай мақтовларни яна ва яна давом эттириш мумкин. Аслида ҳам шундай. Майклнинг Ўзбекистонда ҳам мухлислари кўп. Унинг супер-юлдузлиги сири нимада? Жаҳон эстрада оламида ҳамма хонандага ҳам бундай шуҳрат чўққисига кўтарилиш насиб этавермайди. Майкл чўққига чиқибгина қолмай, шу «чўққи»ни узоқ вақт 10-15 йиллардан бери «маҳкам» эгаллаб турибди. Бу эса ҳазилакам «юлдуз»лик эмас!

Ҳозирги мухлисларнинг талаби, қўшиққа «эҳтиёжи» ҳақида ўйлайдиган бўлсак, Майклга бу «юлдузлик» қанчалар машаққатли эканлигини яна бир бор ҳис этамиз. Унинг репертуаридаги кўплаб қўшиқларни биламан. Янги ёзилган лазер тасмалари-ю, дунё экранларида намойиш этилаётган видеоклипларини синчиклаб кузатаман. Чунки мен ҳам унинг мухлисиман.

«Юлдузлар» ва турли қарама-қарши, фикрлар.. . Мен шу ҳақда ўйлаяпман. Одатда машҳур кишилар атрофида доимо шов-шувлар юради. Назаримда, «юлдуз»ларнинг босган қадами «сенсация»га ўч «овчилар»га нишон бўлади. Балки улар ҳақдир. Негаки, баъзан «юлдузлар» қанчалик юксакликда бўлса, шов-шувлар ҳам шунча «ўсиб» боради. Кўнгил таскин топадигани бу шов-шувлар уларнинг санъатичалик «узоқ» эсда сақланиб қолмайди. Майкл Жексон ҳақида ҳам кейинги пайтда турли фикр-мулоҳазалар билдириляпти. Нафақат Майкл, бошқа

«юлдуз»лар ҳақида ҳам шундай деб ёзишади.

Майкл Жексон «ваакум» да яшамоқчи...

Эстрада юлдузи яна иккита маймунни «асраб» олди.

«Юлдуз» ўз «юлдуз»ини ташлаб кетди.

Майкл севимли Бабблсни «етимхонага» топширди. Майкл...

Ҳа, Майкл ҳақида бундай «мақтов»ларни яна давом эттириш мумкин бўлиб қолди. Айтайлик, Бабблс... Дунёдаги энг бой, машҳур шимпанзе.

1986 йилларда кўпгина газеталарда Бабблс ҳақида ёзиш одат бўлиб қолди.

Икки ойлигидаёқ тасодифан учратиб қолган Майклнинг кўнглига у «ўтириб» қолади. Асраб олади.. Бунга эътироз билдиришингиз мумкин, чет элларда ҳайвонларни ҳам расмий ҳужжатлар орқали «асраб» олишади. Шу тариқа «юлдуз» нинг маймуни ҳам «машҳур» бўлиб кетди.

Айниқса, унинг Япония сафари хонанда билан теппа-тенг Бабблсга ҳам «шуҳрат» келтирганди. «Хушрўйгина» шимпанзе-пепси-кола, ток-шоу, хуллас, рекламада, «етакчи»га айланди-қолди. Ҳозир ҳам у «дунёдаги энг машҳур маймун» саналаркан.

Афсуски, 1990 йилда Майкл Бабблсни ҳайвон ўргатувчи Боб Даннинг «етимлар бошпанаси»га топширди, Майкл шундан буён Бабблсни кўргани йўқ. Лекин севимли маймунини иқтисодий томондан ҳамон қўллаб туради. Майкл ҳалиям Бабблснинг қонуний эгасида! У кунига ўз ҳисобидан Бабблс учун 150 доллар пул тўлайди. Бу пуллар эвазига Бабблс 40 йил хотиржамгина «етимлар бошпанаси»да яшаши мумкин...

Машҳур Бабблснинг «етимлар бошпанаси»да яшаши баъзи «ашаддий» мухлисларнинг ғашига тегяпти. Улар Майклга очиқдан-очиқ таъна тошларини отишяпти. Бизга бу эришдек туюлади. Лекин Европа ва Америкада, умуман, чет элларда ҳайвонларга ўзгача муносабатда бўладилар. Шунинг учун мухлисларни ҳам тушуниш керак.

Майкл эса янги-янги қўшиқлар тасмасини ёздиряпти, мухлислари қалбидаги «хиралик»ни шу тариқа ўчиряпти.

Майкл Жексон эстрада осмонида барибир «Майкл Жексон!» деган номини оқлаяпти. «Юлдуз»лигича қолаяпти, заррача «хира» тортмаяпти. Яқинда бир кўрсатувда концерт чоғида «Узоқ яшаш учун «ваакум»да ухлайсизми?» деб сўрашди. Уни экранга жуда яқин келтиришди. Биласизми, у қўлидаги бир даста гулни савол берган аёлга узатди. У озор чекди. Мен ҳам. Сўнг Майкл: «Мен қўшиғимда «яшайман» қўшиғимда «ухлайман» дея навбатдаги — машҳур «Қўшиғ»ини бошлади. Томошабинлар оёққа қалқди, қўшилиб куйлай бошлашди. У куйлаётган қўшиқ сўзларига тўлиқ тушунмадим, лекин оҳанглари юракка яқин. Оҳанг ҳам қўшиқдек қалбга сингиб кетади...

САИДА.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 29

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ҳафтанома».
8.00—8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

*

8.30 Юсуф Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 10-серия.
9.00 «Маърифатнома». Ийд Қурбон муборак!
9.40 «Муҳаммадун Расулуллоҳ...» Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Нуриддин Ҳайдаров ижро этади.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Эъзоз». Телеочерк.
10.35 Эртаклар — яхшиликка етаклар. «Уддабурон хизматкор». Телеинсценировка.
11.35 «Савоб билан бутундир дунё». Бадиий-публицистик кўрсатув.
12.05 «Ийд Қурбон муборак!» Концерт.
12.45 Диққат, премьера: «Еттинчи жин». Бадиий фильм («Ўзбекфильм» маҳсулоти).
14.00—14.05 Янгиликлар.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.

Публицистик кўрсатувлар дастури:

18.10 I. «Ватанни севмоқ иймондандур...».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 Биржа ва банк хабарлари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Сўнгги қатағон». Публицистик кўрсатув. 1-қисм.
21.30 II. «Ватанни севмоқ иймондандур...». Публицистик кўрсатувларнинг давоми.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55—00.40 Футбол буйича Ўзбекистон чемпионати. «Нурафшон» — «Нефтчи».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.30 «Палитра».
19.05 ТВ-2 намойиш этади.
19.15 «Постфактум».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Курьер».
20.15 «...яна об-ҳаво ҳақида».
20.20 «Мусиқа, холос».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Блиц». Фотокўрик.
21.10 ТВ-2 намойиш этади.
21.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.50—23.50 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Ҳайкалтарош». Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси
18.10 — 20.40

*

20.40 «Қоялар орасида». Телефильм.
20.55 «Тропиканка сири». Телесериал.
21.45 Эълонлар.
21.50 «Қизил олма». Бадиий фильм.

*

Россия давлат телевидениеси
23.00 — 23.30

*

23.30 Эълонлар.
23.35 — 23.40 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мульткарусель».
19.00 «Замин саховати».
19.30 «Янги иқтисод».
20.00 Эълонлар.
20.05 «Тафсилот». Ахборот кўрсатуви.
20.20 «Менинг маҳаллам».
21.05 «Спорт-тайм».
21.35 «М»-хабар.
21.45 «Кимга қанақа?».
22.30 Эълонлар.
22.35 «5+1». Интервью (такрор.).
23.05 «Йўлингиз бехатар бўлсин!».
23.35 — 23.45 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 30

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55—8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

*

8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Умид учқунлари». Тележурнал.
9.15 Биржа ва банк хабарлари.
9.30 Немис тили.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Хазинамиз таянчи». Солиқ тизимининг иш фаолиятидан.
10.35 Эркин Воҳидов. «Дониш қишлоқ латифалари». Адабий театр.
11.05 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Замин соҳиблари».
11.20 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси эстрада-симфоник оркестрининг концерти.
12.00 «Бешинчи довон». Видеоканал.
14.00—14.05 Янгиликлар.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Синфдош». Тележурнал.
18.40 Футбол шарҳи.
18.55 «Бугунги Европа». Публицистик кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 «Талаб ва таклиф». Сирдарё тажрибаси.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Сўнгги қатағон». Публицистик кўрсатув. 2-қисм.
21.30 «Наволар соҳиби». Бастакор Турғун Алиматов.
22.00 Футбол буйича Ўзбекистон чемпионати. «Навбаҳор» — «МҲСК».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55—00.40 «Учрашув». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мамасоли Юсупов.

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.25 ТВ-2 намойиш этади.
18.35 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Бизнес-уик».
20.10 «АРТ — журнал».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Видеогид».
21.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.00 «Кинонигоҳ».
23.40—00.20 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Кабутарим». Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси

6.30 — 8.00 «Телетонг».

* * *

18.10 — 20.40

*

20.40 «Ўргимчаклар». Телефильм.
21.00 «Тропиканка сири». Телесериал.
21.50 «Бу ажиб дунё».
22.20 «Керакли одам». Бадиий фильм.

*

Россия давлат телевидениеси
23.30 — 24.00

*

24.00 Эълонлар.
00.05 — 00.10 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мульткарусель».
19.00 Солиқ ҳақида сабоқлар.
19.15 «Табиат ва болалар».
19.45 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.35 Эълонлар.
20.40 «Интердиалог».
21.20 «Истеъдодлар ва мухлислар» («Назарбек» даволаш комплексининг бош шифокори Л. Тожихонов ҳақида).
22.05 Эълонлар.
22.10 «Америка бизнеси тарихи». 1-кўрсатув.
22.40 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
23.10 — 23.20 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 1

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55—8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

*

8.30 «Санъат гунчалари». Навоий вилояти Навбаҳор тумани «Капалак» ансамблининг концерти.
9.10 «Ёшлик» студияси. «Мактубларингизни ўқиб».
9.40 «Деҳқон баҳори». Публицистик кўрсатув.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Нурафшон ўлка». Бўзсув ГЭСининг 70 йиллигига.

Ўқув машғулотлари:

10.30 Табииёт.
11.00 Алифбо сабоқлари.
11.30 Зоология.

*

12.00 «Учрашув». Ўзбекистонда хизмат кўрсатгун артист Мамасоли Юсупов.
12.45 «Ҳуда-беҳуда гаплар». Бадиий фильм.
14.00—14.05 Янгиликлар.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Туркистон — умумий уйимиз».
18.35 Спорт хабарномаси.
18.50 «Биламиз-у, аммо...». Телемунозара.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 «Иқтисодиёт чорраҳаларида». Тележурнал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Сўнгги қатағон». Публицистик кўрсатув. 3-қисм.
21.30 Ўзбекистон телевидениесида вилоят студияларининг кўрсатувлари. Экранда — Самарқанд вилояти.
22.10 «Суюнчи». Бадиий фильм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55—00.25 «Қалбимдасан, назокат». «Нола» гуруҳи.

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.30 ТВ-2 намойиш этади.
18.40 «Кулгига нима етсин!».
19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Компьютер-Осиё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ҳайвонот оламининг сирлари».
21.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.20—24.00 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Пирим ороли». Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси

6.30 — 8.00 «Телетонг».

* * *

18.10 — 20.40

*

20.40 «Шоирлар ҳиёбони». Телефильм.
21.15 «Тропиканка сири». Телесериал.
22.05 «Шоҳсупа сари».
22.35 «Куйловчи жилолар оламида». Телефильм.

*

Россия давлат телевидениеси
22.50 — 23.20

*

23.20 Эълонлар.
23.25 — 23.30 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мульткарусель».
19.00 «02» тўлқинида.
19.25 «Саломатлик — туман бойлик».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Аёл...».
20.30 «Тошкент оқшомида».
21.30 «Сирдошим».
22.05 Эълонлар.
22.10 «Иштирок этувчилар».
22.40 «Ўзбекистон: ҳамкорлик йўлидан».
23.10 — 23.20 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 2

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

*

8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Соғлом авлод учун!» Боғчаларда жисмоний тарбия.
9.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида». Тележурнал.
9.15 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Улуғбек ёндирган юлдузлар».
9.25 «Биламиз-у, аммо...» Телемунозара.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Ёш ўлкашунослар». Болалар учун кўрсатув.
10.30 «Шум бола». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»).
12.00 «Маърифат» видеоканали.
14.00—14.05 Янгиликлар.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Бозор услублари: талаб ва таклиф». Пойафзал тармоқларининг истиқболи.
18.40 «Компьютер - шоу». Телемусобақа.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 «Юзма-юз». Мулоқот.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Диққат, премьера: Нормурод Норқобилов. «Қуёши ботмайдиган юрт». Видеофильм. 1-қисм.
21.55 Юнус Ражабий номидаги республика мақом ижрочилари қурик-танлови ғолиблари Зуҳра Алимова, Улмас Оллоберганов ва концерти.
22.25 Турсуной Содиқова. «Меҳр қолур...» Публицистик кўрсатув.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 — 00.25 Теннис - клуб.

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Автосалон».
20.15 «Фармед».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Сизнинг услуб».
21.15 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.55 «Кинонигоҳ».
23.35 — 00.25 «Спорт қитъаси».

III

17.55 Янгиликлар.
18.00 Эълонлар.

*

Россия жамоат телевидениеси

6.30 — 8.00 «Телетонг».

* * *

18.05 — 20.40

*

20.40 «Хива вақти билан соат еттида». Телефильм.
21.05 «Тропиканка сири». Телесериал.
21.55 «Эстафета». Спорт кўрсатуви.

*

Россия давлат телевидениеси
22.15 — 23.10

*

23.10 Эълонлар.
23.15 — 23.20 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мульткарусель».
19.00 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
19.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.20 Эълонлар.
20.25 «Кобра». Телесериал (АҚШ).
21.10 «Каталог».
21.20 «Эколот-коктель».
21.50 Эълонлар.
21.55 «Компьютер-ревю».
22.20 «Шалом».
22.55—23.05 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 3

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

*

8.30 Нормурод Норқобилов. «Қуёши ботмайдиган юрт». Видеофильм. 1-қисм.
9.25 «Мен туғилган тупроқ». Султон Чегибоев. Телеочерк.
9.40 «Юзма-юз». Мулоқот.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Қўнғироқча». Кичкинтойлар учун тележурнал.

Ўқув машғулотлари:

10.30 Физика.
11.00 Немис тили.
11.30 Математика.

*

12.00 «Мактабимиз — фахримиз».
12.30 Дутор мақомлари.
13.15 «Компьютер - шоу». Телемусобақа.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Ўзингни эр билсанг...» Эркаклар —аёллар нигоҳида.
18.50 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 «Ҳаёт ва қонун». Фуқаролик жамиятининг фалсафий талқини.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Диққат, премьера: Нормурод Норқобилов. «Қуёши ботмайдиган юрт». Видеофильм. 2-қисм.
21.55 «Ҳофизлар хониш қилганда...»
22.40 «Жиноят жазосиз қолмайди». Публицистик кўрсатув.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 — 00.30 «Олам ва одам». Маърифий кўрсатув.

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Эртаклар оламига саёҳат».
18.35 «Оҳанглар оғушида».
18.50 «Блиц». Фотокўрик.
19.05 «Эртага —шанба».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «RAKS» тақдим этади.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ривоят».
21.10 «Офарин».
21.40 «Таманно».
21.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.30 — 23.20 «Санта - Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

17.15 Янгиликлар.
17.20 Эълонлар.

*

Россия жамоат телевидениеси

6.30 — 8.00 «Телетонг».

* * *

17.25 — 20.40

*

20.40 «Сополда акс этган дунё». Телефильм.
20.50 «Тропиканка сири». Телесериал.
21.40 Эълонлар.

*

Россия давлат телевидениеси
21.45 — 24.00

*

24.00 Эълонлар.
00.05 — 00.10 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мульткарусель».
19.00 «Билиб қўйган яхши».
19.25 «Мусиқий меҳмонхона».
20.05 Эълонлар.
20.10 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
20.40 «Вариацияли мавзу».
21.10 «Бизнес-академия».
21.35 Эълонлар.
21.40 «Кинематограф».
23.10 —23.30 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 4

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55— 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

*

8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 Нормурод Норқобилов. «Қуёши ботмайдиган юрт». Видеофильм. 2-қисм.
9.35 Болалар учун. «LEGO» сайёраси.
10.00 «Халқ ижодиёти». Ҳуҳна оҳанглар.
10.30 «Оқ бурилар». Бадиий фильм.
12.10 «Инсон ва замин». Тележурнал.
13.10 «Кўнгил тароналари». Мусиқий композиция.
13.40 — 14.30 «Хотира». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Фозил Харратов.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Ҳурматталаб алвасти», «Сеҳрли сандиқ». Мультфильмлар.
18.20 «Маҳалламиз болалари». Телемусобақа.
19.10 Спорт хабарномаси.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Бу ажиб дунё...»
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Диққат, премьера: Юсуф Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 11-серия.
21.30 «Ўзбекистон — Ватаним маним!» Қўшиқлар қурик - танлови.
22.00 «Оталар сўзи— ақлнинг кўзи».
23.00 «Тунгу ёғду». Дам олиш кинодастури.

II

9.00 «Мультфейерверк».
9.15 «Хусусийлаштириш: қадам -бақадам».
9.35 «Компьютер-Осиё».
10.05 «Ҳайвонот оламининг сирлари».
10.55 «Автосалон».
11.15 «Сизнинг услуб».
11.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
12.10 «Кинонигоҳ».
13.50 — 14.50 «Спорт қитъаси».

***

18.00 «Совға».
18.20 «Фармед».
18.30 Эълонлар.
18.35 «Олам». Маърифий кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Мактуб».
20.05 «Имкон чўққилари».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Мусиқа салтанати».
21.20 Видео янгиликлари.
21.40 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.20 — 24.00 Видео — «О».

III

17.00 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

Россия жамоат телевидениеси
17.10 — 20.55

*

Россия давлат телевидениеси
20.55 — 24.00

*

24.00 Эълонлар.
00.05 — 00.20 «Ургут жилолари». Телефильм.

IV

10.00 «Боғанч». Болалар учун фильм.
11.15 Эълонлар.
11.20 «Бизнен мирас» (татар тилида).
12.10 «Дийдар» (қозоқ тилида).
12.50 «Подиум».
13.10 — 13.50 «Умид» (уйғур тилида).

***

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Сиёҳдонча». Болалар учун дастур.
19.05 «Бу ажиб дунё».
19.25 «Телеташриф».
19.40 Эълонлар.
19.45 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.35 «Эсдалик учун дастхат».
21.00 «Бугунги Европа».
21.20 Эълонлар.
21.25 Кинонинг олтин асри. «Ҳўрланганлар». 1-серия.
22.50 «Олам ва одам».
23.25 — 23.35 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 5

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

*

8.30 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан!».
11.00 Юсуф Розиқов . «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 11-серия.
11.30 «Цирк! Цирк! Цирк!»
12.15 «Қувноқ стартлар». XIV республика телевизион мусобақаларининг саралаш босқич ўйинлари.
13.05 «Ташриф». Дам олиш дастури.
13.55—14.45 «Сирли сандиқ». Телеўйин.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Акаиро». Мультфильм.
18.20 «Қушиғим, жон қушиғим».
19.05 «Ойнаи жаҳонда...»
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Шаҳс ва баҳс».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 Диққат, премьера: Юсуф Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 12-серия.
21.35 «Қардошлик алоқалари умрбоқийдир».
22.05 «Якшанба оқшомида». Мусиқий дам олиш дастури.
22.55 Теннис -клуб.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ҳафтанома».
24.00 — 00.30 «Жаҳон киноси юлдузлари». Важантимала.

II

9.00 «Эртаклар оламига саёҳат».
9.20 «Оҳанглар оғушида».
9.35 «Блиц». Фотокўрик.
9.50 «RAKS» тақдим этади.
10.20 «Ривоят».
10.30 «Офарин».
11.00 «Таманно».
11.10 «Ал-Бишрининг орзу-армонлари». Телесериал (Миср Араб Республикаси).
12.05 «Мактуб».
12.15 «Имкон чўққилари».
12.35 «Мусиқа салтанати».
12.55 Видео янгиликлари.
13.15 Оҳанглар ва Эълонлар.
13.55 — 15.35 Видео — «О».

***

17.00 «Келгуси ҳафтада».
17.15 Эълонлар.
17.20 Болалар учун. «LEGO» сайёраси.
17.45 Юлдузлар.
18.15 «Ал-Бишрининг орзу-армонлари». Телесериал (Миср Араб Республикаси).
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (

ҚУРБОН ҲАЙИТИНГИЗ МУБОРАК, АЗИЗЛАР!

Эртага бутун мусулмон оламида катта байрам. Тилу дили бир, имонли кишилар тонг саҳардан масжидларга ошиқадилар. Истиқлол юртимизда ҳам бу кун қутлуғ айём сифатида нишонланади. Одамлар Оллоҳнинг амрини бажариш, розилигига мушарраф бўлиш, пайғамбаримизга уммат бўлиб, шафоатларга умид қилиб, оиласига қут-барака тилаб, ота-оналарининг руҳини шод қилиш учун азон даъватини ижобат айлаб, Қурбон ҳайити намозига марҳамат қиладилар.

БУЮК ИМТИҲОН

Қурбонлик нима? Нима учун Қурбон ҳайити деймиз? Бу саволларга мухтасар бўлмасада, имкон қадар жавоб беришга ҳаракат қилайлик. Закот беришга ҳозир бўлган мусулмонлар учун қурбонлик қилиш вожибдир. Қурбонлик эса Оллоҳга яқинлик ҳосил қилиш учун унинг йўлида Қурбон ҳайити кунлари туя, сигир ёки қўй сўймоқлик, демакдир. Ҳар бир киши бошига бир қўй сўйиб қурбонлик қилинади. Бордию, оила бошлиғи қўй сўйиб қурбонлик қилса, унинг қарамоғида бўлган оила аъзоларидан вожиб соқит бўлади. Қурбонлик қилишнинг вақти Қурбон ҳайити намози ўқилгандан сўнг айёмнинг учинчи кунигача давом этади. Бунинг учун соғ, бир ёшли қўйлардан танлаш афзал саналади. Мақсад фақиру фуқароларнинг кўнглини овлаш, уларга садақа тариқасида гўшт улашишдан иборат.

Бундай кунларда жонлиқ сўйиб, қурбонлик қилиш қаердан пайдо бўлган? Бунинг тарихи ислом анъаналарининг узоқ ўтмишига бориб тақалади. Манбаларда келтирилишича, пайғамбаримизнинг боболари Абдул-Муталлиб шу кунларгача тиним билмай қайнаб турган Замзам қудуғининг ёпилиб кетган кўзини очиш йўлида саъй-ҳаракат қилишга аҳд қилган эканлар. У киши учун ёлғиз ўғил билан бундай савобли ишни ниҳоясига етказиш амри маҳол бўлган. Шунда Абдул-Муталлиб Оллоҳга илтижо қилиб: «Ё Раббий! Менга ўнта йигит бер. Замзам булоғининг кўзини оча олсам, ўғилларимдан бирини сенинг йўлингда қурбон қиламан, деб ёлборган эканлар. У кишининг ниятлари мустажоб бўлиб, 13 фарзанд кўрибдилар. Ишлар юришиб, Замзамнинг кўзи очилибди. Шунда Абдул-Муталлибнинг тушларида: «Энди ваъдангни бажар», деган ишора бўлибди.

Мусулмони комил ўғиллари отасининг бундай заруратдан қутқариш учун тайёр эканликларини билдирибдилар. Ота қуръа ташлашга мажбур бўлибди. Энг кичик ва суюкли фарзанди Абдуллоҳ қуръага тушибди. Зурриётларини етаклаб қурбонлик қилишга чоғланганларида одамлар чора излашибди. Шунда юз туя инсон хунига тўғри келиб, Абдуллоҳ қурбонликдан асраб қолинган экан. Муҳаммад пайғамбаримиз Алайҳиссалом буюк ҳодисага ишора этиб: «Мен икки қурбонлик отанинг ўғлиман», — деган эканлар.

Аслида қурбонлик Ҳазрат Иброҳим алайҳиссаломнинг ўғли Исмоил алайҳиссалом билан кўпроқ боғлиқдир. Маълумки, Ҳазрат Иброҳим Алайҳиссалом фарзанд кўришга ташна эдилар. Шу ниятда:

— Ё раббий! Менга солиҳ авлод эҳсон қил. Бир ўғил бер, деб илтижо қилганлар. Жаноби Ҳақ алайҳиссаломнинг дуосини қабул этди. Ҳазрат Иброҳимга бир ўғлон берди. У киши жаноби Ҳақига дуо қилди. Оллоҳ ҳам бу дуони қабул этди. Дуо ва муножотлардан кейин Ҳазрат Исмоил алайҳиссалом туғилди. Кўп ўтмай отасига кўмакчи бўлди. Бир куни Иброҳим алайҳиссалом туш кўриб: «Ё Иброҳим! Ваъдангни устидан чиқ. Исмоилни Оллоҳ ризоси учун қурбон қил», деган нидони эшитди. Ҳазрат алайҳиссалом иккинчи куни ҳам туш кўриб, яна ўша овозни эшитди. Шунда алайҳиссалом бу туш Оллоҳдан эканлигига ишонди. Иброҳим алайҳиссалом учинчи тушдан кейин Оллоҳнинг амрини бажармоқ учун ўғлини қурбон этишга ҳозирланди. Бу кунга «Қурбон куни» номи берилди. Иброҳим алайҳиссалом Оллоҳнинг амрини ўғлига билдирди. Исмоил алайҳиссалом эса: «Отажон, буюрилганидек иш тутинг, мени қурбон этинг. Иншооллоҳ, мени сабр этувчилардан топасиз», деди.

Иброҳим аллайҳиссалом ўғлини қурбонлик жойига олиб борди. Уни ётқизиб, кўл оёқларини боғлаб, юзини беркитгандан кейин ўткир қилични ишга солди. Аммо пичоқ кесмади. Пичоқни тошга урди, тош бўлиниб кетди. Пичоқни яна Исмоилга ўгирди. Бу гал пичоқ тескари бўлиб қолди. Бир маҳал Жабройил алайҳиссалом катта қўчқор олиб келиб, «Ўғлинг Исмоилнинг ўрнига бу қўчқорни қабул қиласан», деди. Ҳазрат Иброҳим алайҳиссалом қўйни қурбон қилиб, ўғлининг сўйилишидан қутулди.

Оллоҳнинг амрига бўйсуниш, бўйин эгиб ота ўғлини фидо этишга, ўғил эса жонини қурбон этишга тайёр бўлганида Оллоҳ:

*Қадриятларимиз

«Ё Иброҳим, сен тушингга садоқат кўрсатдинг. Шубҳасиз, биз яхшиликларга шундай мукофат берамиз. Ҳақиқатан, бу бир ошкор имтиҳондир. Иброҳимнинг ўғли ўрнига бир қўчқор юбордик», деган. Исмоилни қурбон қилиш ҳақидаги воқеа Қуръони Каримда шундай баён қилинган. Жаноб Ҳақ ул улуғ Пайғамбар Иброҳим алайҳиссаломни буюк имтиҳонга тобе этганди.

Ҳа, Оллоҳ ҳар кимни имонига кўра имтиҳон этади. Оллоҳнинг буюк имтиҳонлари эса пайғамбарларга бўлади. Кейин эса имонли мусулмонларга, имонлиларга нисбатан имтиҳон бўлади. Динсизлар имтиҳон этилмайдилар. Оллоҳ бизни ҳам ўз йўлида ҳамма нарсамизни фидо қила оладиган бир имон соҳиби қилсин. Омин!

Тайёрловчи Мирзо АНВАР.

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ,
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ,
Азамат ЗИЁ,
Азиз НОСИРОВ,
Алимқул СУЛТОНОВ (маъсул котиб),
Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Ислом ШОҒУЛОМОВ,
Норбобо ШАКАРОВ,
Одилжон ОЛИМЖОНОВ,
Салим АШУРОВ,
Хайрулла ЖЎРАЕВ,
Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, факс — 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-75-43;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Н. ШАКАРОВ, навбатчи А. ПЎЛАТОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
•
Газета офсет усулида А—2 форматда 31847 нусхада босилди
•
Ҳажми 2 босма табоқ
•
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
•
Г — 0183

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 24.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

"БРИТИШ - АМЕРИКА ТОБАККО"

(БИ-ЭЙ-ТИ) КОМПАНИЯЛАРИ ГУРУҲИ АЪЗОСИ — " ЎЗБАТ А.Ж."

Ўзбекистон — Британия қўшма корхонаси

BAT

Ўзбекистон халқини, республика ҳукуматини ҳар бир мусулмон учун қутлуғ айём — "Қурбон Ҳайит" (Ийд-аль-Адҳа) байрами билан чин қалбдан муборакбод этади.

Бу муқаддас айём ҳар биримизнинг оила аъзоларимизга тинчлик, тотувлик, эзгулик, қут-барака ва омонлик бахшида этсин!

АКЦИОНЕРНОЕ ОБЩЕСТВО УЗБЕКСКАЯ РЕСПУБЛИКАНСКАЯ ТОВАРНО-СЫРЬЕВАЯ БИРЖА

№ БК 100

ВИСМ

фирмасининг 100 сон брокерлик идораси Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон мол - хом ашё биржасида сизнинг маҳсулотларингизни

Божхона тўловисиз
Рухсатномасиз
15 фоизли ўзаро валюта
Ҳисобисиз

СОТАДИ

МДҲ давлатлари ва узоқ хорижга олиб чиқади.

Қўнғироқларингизни 50-94-07 рақамли телефон бўйича (кеч соат 10 00 гача) кутамиз.

"ЎЗБЕКДАВЦИРКИ" БИРЛАШМАСИ ТОШКЕНБОЙ ЭГАМБЕРДИЕВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА (Хадра майдони) ЙЎЛБАРСЛАР ЎЙНАТИЛАДИГАН КАТТА ЦИРК ТОМОШАЛАРИ

Биринчи ўзбек йўлбарс ўргатувчиси ФУРҚАТ ЮНУСОВ

ТОМОШАЛАРДА ЎРГАТИЛГАН ТУЯЛАР, КУЧУКЛАР, БАҲАЙБАТ ИЛОНЛАР ВА БОШҚА ҲАЙВОНЛАР ИШТИРОКИДА КЎРСАТИЛАДИГАН ЎЙИНЛАР ТОМОШАБИНЛАРГА ЗАВҚ-ШАВҚ БАҒИШЛАЙДИ.

Томоша икки бўлимли, катта ва ранг-баранг дастурдан иборат.

Томошалар 27-28 апрель соат 12.00 ва 15.00да, 3 май соат 18.00 да, 4-5 май 12.00 ва 15.00да, 9 май 12.00да ва 15.00 да, 10 май соат 18.00да, 11-12 май соат 12.00 ва 15.00да намойиш этилади.

Жамоа бўлиб кўриш учун буюртмалар қабул қилинмоқда.

КАССА СОАТ 10.00 ДАН 18.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

ТЕЛЕФОНЛАР: 44-35-91, 44-29-04.

ТАШКИЛОТ

мармар ва гранитни қайта ишлайдиган Украинада чиқарилган минизаводни 12х36 м ҳажмдаги модул ва 12,5 т. оғирликдаги нарвонли кран (козловий кран) билан бирга

СОТАДИ

Қўнғироқларингизни 50-94-07 рақамли телефон бўйича (кеч соат 22.00 гача) кутамиз.

АЛИ ДИЛ ЛТД

"Ҳаммаси уй-рўзғор учун" туркумидаги жами 150 турдаги хилма-хил товарлар

ФАҚАТ БИЗДА МАВЖУД.
Нархи ҳам бозор нархидан анча арзон.
Товарлар ҳам чакана, ҳам улгуржи нархларда
СОТИЛАДИ

Харид пайтида улгуржи харидорларга имтиёз берилади.

Мурожаат учун манзил:
Тошкент шаҳар, Чилонзор мавзеси, 1-даха, Ю.Гагарин кўчаси, 65-уй.
"Чилонзор" савдо маркази рўпарасида.

Маълумот учун телефонлар: 77-50-27, 77-58-04.

АЛИ ДИЛ ЛТД ФИРМАСИ.

Кўрик-танлов

ЧОЛҒУ ВА ИЖРОЧИЛАР

Тошкентдаги М. Ашрафий номли Давлат консерваториясида ўзбек халқ чолу асбоблари ва ёш ижрочиларнинг VIII республика кўрик-танлови очилди.

Йиғилганларни танлов ҳакамлари ҳайъати билан таништирилгач, чолғучиларнинг концерти бошланди. А. Қодирий номидаги маданият институти чолғучиларининг чиқишлари мароқли бўлди. Шунингдек, Аббос Қосимов бошлиқ доирачилар, мусиқачилардан Юсуфжон Ёқубов, Қаҳрамон Нозиров, Тоҳир Ражабий ҳамда Шуҳрат Йўлдошевлар ижро этган қўйлар кўпчиликка маъқул келди. Шу кунларда турли вилоятлардан келган ижрочиларнинг чиқишлари баҳоланмоқда. Кўрик-танловнинг якуни 4 май куни «Баҳор» концерт залида бўлади.

Гулнора ҚУРБОНОВА.

Соат 24.00

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ИШОНГАН ТОҒДА...

кийик ётмас, дейдилар. Ҳақиқат рост чиқиб қолди. Андижон шаҳар Муқимий кўчасида яшовчи 21 ёшли Х. И. Андижон депосининг қоровуллари Б. Ш. ва К. А.лар билан ўзаро тил бириктириб, ёғ-мой комбинатидан 500 литр пахта ёғини девор орқали олиб чиқиб кетаётганларида ушланди.

МУОВИН ҚЎЛГА ТУШДИ

Андижон шаҳар 7-ҳунар-техника билим юрти бошлиғининг муовини С. Х. ўйлай-ўйлай текин даромад орттириш йўлини топди. Бир ўқувчининг тоғасидан жиянининг ҳужжатларини қайтариб бериш учун кўп эмас, 2000 сўм сўради. У пулни олаётганида ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари қўлига тушишини ўйлаб ҳам кўрмаганди. Энди эса...

АСАЛАРИ ҚУТИСИДАН-А!

Нима чиқибди, дейсизми? Марҳамат тумани Ипак йўли кўчаси, 4-уйда яшовчи тижоратчи 1970 йилда туғилган Ж. Б. нинг уйида текширув ишлари олиб борилганида ҳовлисидаги асалари қутисидан 25 грамм наша моддаси топиб олинди. У асалариниям наша истеъмол қилишга ўргатаётганмикин ё?..

Адҳамжон ИСКАНДАРОВ, Андижон вилоят ИИБ матбуот гуруҳи бошлиғи, милиция старшинаси.

Футбол

ПЕШҚАДАМЛАР КЎРИНИБ ҚОЛДИ

Мамлакат футбол миллий чемпионатининг иккинчи тур ўйинларидан кейин пешқадамлар кўзга ташланиб қолди.

Олий табақа жамоаларининг навбатдаги учрашувларида Фарғонанинг «Нефтчи» футболчилари «Суғдиёна» жамоасини қабул қилиб, 1:0 ҳисобида устун келишди. Бу фарғоналикларнинг иккинчи ғалабаси. МҲСК футболчилари эса биринчи ўйинни Урганчда утказиб, 3 та очко олишган эди. Улар иккинчи учрашувни ўз майдонида «Дўстлик» билан утказиб (4:2), 6 та очко билан ягона пешқадам бўлиб олишди. Қолган ўйинларда қуйидаги ҳисоблар қайд этилди: «Наврўз» — АСК-3:0, «Динамо» (С) — «Косонсой» — 2:0, «Трактор» — «Пахтакор» — 2:1, «Янгиер» — «Навбаҳор» — 1:3, «Машъал» — «Динамо» — 2:0, «Атласчи» — «Нурафшон» — 1:0. Шунингдек, «Наврўз», «Навбаҳор» жамоаларида ҳам 6 тадан очко бор. Биринчи табақа жамоаларининг 2-тур ўйинларидан кейин эса «Шаҳрихон», «Насаф», «Ғазалкент», «Зарафшон», «Кимёгар» футболчилари 6 тадан очко билан олдинда боришмоқда.

Тошкент шаҳар, Яккасарой туманидаги «Сухроб тревел» масъулияти чекланган жамияти фирмасининг думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар «Доридармон» давлат акционерлик бирлашмаси жамоаси бирлашма бош раҳбари Ҳирот Хилватович Мирзаевга волидаи муҳтарамаси **Муҳаббат ТОШМУҲАМЕДОВА**нинг фожиали ҳалок бўлганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.